

Тафаккур дунёси



12:25 / 22.12.2021 2454

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Ким ёш болага: «Бери кел (бир нарса бераман)», деб айтсаю, кейин унга бермаса, у ёлғончидир».

Абу Довуднинг сунанларида Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизникида ўтирган эдилар, онам мени чақириб, «Бери кел, бир нарса бераман», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Нима бермоқчисан?» дедилар.

Онам: «Хурмо бермоқчи эдим», деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳеч нарса бермаганингда, сенга ёлғон ёзилиб қолар эди»,

дедилар».

Аллома ибн Баадийс раҳимахуллоҳ дедилар:

«Уй – ҳақиқий эркаклар вояга етказиб, шакллантириладиган илк мадраса ва ўзига хос бир фабрикадир. Шу сабаб, онанинг диёнати экани дин ва ахлоқни муҳофазаси учун муҳим асосдир».

Ҳисобдан қутулиш жойи йўқ. Эй мусулмон дўстим! Ота ўз оиласига қилган камчилиги учун ҳисобга тугилади, талаба ўқишда қилган камчилиги учун, бирон ишга масъул вазифадор ходим ўз доирасида ҳисобга тугилади. Ҳар ким ўз ўрни ва мавқеида жавоб беради. Уларнинг барчалари қиёмат кунида Аллоҳнинг амри буйруқлари устида йўл қўйган камчилик ва ноқисликлари борасида ҳисоб қилинажаклар. Инсонларга бу вазиятда ўйин эмас балки, ўта жиддий ҳолга тушадилар. Улар беҳудага яратилган эмаслар.

Манба: arabic.uz